

## **Ўзбекистон фармацевтика бозори 2019 йилда 1,0 млрд.долларни ташкил этди ва импорт улуши 79,5% гача қисқарди**

Кейинги 5 йилда маҳаллий дори воситалари экспорти **85,0** млн долларга ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ички бозордаги улушини 70 фоизга кўтариш кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги [“Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”](#)ги ПҚ **4554-сонли** қарорининг **“2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш Концепцияси”** билан тасдиқланган.

Фармацевтика бозори 2019 йилда **1,0 млрд.долларни** ташкил этди (109%), (2018 йилда-954.2 млн доллар) ва импорт улуши **79,5% гача** қисқарди (2018 йилда-81,3%) асосан акушерства гинекология (99%), гастроэнтерология (80%), иммунология (95%), кардиология (95%), неврология (87%), стоматология (98%), эндокринология (94%) ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги [“2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”](#)ги ПҚ-**5707-сонли** фармони билан 2019-2021 йилларда республика ҳудудида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тавсия этилган дори воситалари гуруҳлари рўйхати (эндокрин, онкология, юрак-қон томир, вирусларга қарши, иммунобиологик касалликларини даволаш дори воситалари, антибиотиклар, болаларда сил билан инфекцияланишни эрта аниқлаш учун диаскин тестлари ва бошқалар) тасдиқланган.

2020 йил январь-май ойида маҳаллий ишлаб чиқарилган дори воситалари **179,4** млн. қадокни ташкил этиб, умумий қиймати **825,9** млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, 2019 йил январь-май ойига нисбатан **102 фоизга** (қиймати) ва **105 фоизга** (миқдори) ўсган (2019 йил январь-май ойларида – 812,7 млрд. сўмни 171,2 млн. қадок дори воситалари ишлаб чиқарилган). Жорий йил январь-май ойида маҳаллий ишлаб чиқариш прогнозга нисбатан **101 фоизга** (қиймати) ва **103 фоизга** (миқдори) бажарилган.

2020 йилда экспорт прогнози **35,2 млн. доллар** белгиланган бўлиб, 2019 йилга нисбатан **24,5 фоизга** ўсиш суръати билан белгиланди. Бугунги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан **25 та фармацевтика** гуруҳга мансуб **237 та дори воситалари ва 9 номдаги тиббий буюмлар** 15 та чет эл мамлакатларида кайд этилди ва экспорт қилинмоқда, 2020 йил январь-май ойларида **15,1 млн. долларлик** маҳсулот экспорти амалга оширилди.

2019 йил январь-май ойида республикага импорт қилинган фармацевтика маҳсулотлари ҳажми **325 млн. долларни** ташкил этган бўлса, 2020 йилнинг шу даврида **343 млн. долларни** ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан **15,0 млн. долларга ёки 5,5% фоизга ошди**. **12** фармацевтика корхоналари томонидан **14 та хориж мамлакатларига 61 номдаги дори воситалар ва тиббий буюмлар** экспорти амалга оширилди.